

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Тошкент давлат аграр университети
Термиз филиали директори
Ч.Р.Бегимкулов

2017 йил

**“Талабалик ҳақида маълумотнома олиш” интерактив
хизматининг регламенти**

1. Хизмат таърифи

1.1 Хизмат (паспорти) номланиши

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали (кейинги ўринларда-Университет) расмий сайти орқали “Талабалик ҳақида маълумотнома олиш”.

1.2 Хизмат натижаси

Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида талабанинг таҳсил олаётганлиги ҳақида маълумотнома шакиллантириш.

1.3 Хизмат кўрсатувчи

Хизмат Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали томонидан кўрсатилади.

1.4 Ҳуқуқий асослар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар” марказий маълумотлар баъзаларини шакиллантириш ва “Электрон ҳукумат тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2015-йил 17-декабрдаги 365-сонли қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва ҳужжат бошқарувчи маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 2017 йил 23 августдаги 181-сон қарори.

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Жисмоний ва юридик шахслар.

1.6 Ариза бериш муддатлари

Муддати чекланмаган.

1.7 Бажариш муддатлари

Фойдаланувчининг хизматдан фойдаланиш ҳақидаги сўрови жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнома шакиллантирилади

2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.

2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- Хизмат кўрсатувчи органларнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларини кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақидаги маълумот;
- Хизматдан фойдаланиш учун талаб этиладиган хужжатлар рўйхати;
- Хизматдан фойдаланиш муддатлари;
- Хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2 Батафсил маълумот олиш

Университетнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3 Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш

191200 Сурхондарё вилояти Термиз тумани Лимонзор қишлоғи “Янгиобод” маҳалласи Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали.

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1 Иш вақтлари

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: Душанба-Жума соат 09⁰⁰ дан 18⁰⁰ гача

3.2 Кутиш шартлари

3 кун

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1 Зарур бўлган хужжатлар

- ЭРИ (электрон рақамли имзо).
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақамли (НИНФЛ)

4.2 Хизмат тўлови

Бепул

4.3 Хизмат кўрсатиш босқичлари.

- Университетнинг расмий сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:
- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади;
 - “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Талабалик ҳақида маълумотнома олиш” хизмати танланади;
 - Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
 - Аризачининг шахсий идентификацион рақами (ИИНФЛ) киритилади;
 - Факултет, йўналиш (мутахассислик), босқич (1-4) ва талаба талим олаётган гуруҳ танланади (киритилади).

4.4 Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни

Олий таълим муассасаларида тахсил олаётган талабалар рўйхати олдиндан маълумотлар баъзасида шакллантирилган бўлади ва фойдаланувчининг сўрови жўнатилиши билан автоматик тарзда маълумотнинг электрон нусхаси такдим этилади.

Агар мурожаат етувчи томонидан сўралган маълумотлар базадан топилмаса, рўйхатдан ўтган электрон почта манзилига у ҳақида маълумот масъул ходим (масъул ходимнинг Ф.И.Ш лавозими, телефон рақами киритилади) томонидан жўнатилади. Масъул ходим қайта тохлил қилгандан кейин, талаба ҳақиқатдан Тошкент давлат аграр университети Термиз филиалида ўқиётган бўлса, 1 (бир) кун ичида базага киритади.

4.5. Рад этиш сабаблари

- Талаба ҳақида маълумот тўғри киритилмаса;
- Жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ) нотўғри киритилса

5. Хизмат кўрсатиш сифати.

5.1. Шикоят аризасини бериш тартиби.

Рад этиш холларида аризачи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиш мумкин.

“КИРИТИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети
Термиз филиали Мониторинг ва ички
назорат бўлими бошлиғи
Б.Норматов *[Signature]*

“ 24 ” ноябрь 2017 йил

“КЕЛИШИЛДИ”

Тошкент давлат аграр университети
Термиз филиали Ахборот
технологиялари маркази бошлиғи
Н.Бойсундов *[Signature]*

“ 24. ” ноябрь 2017 йил